

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 39-40 (2303-2304)

● 1991 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 20 ТИЯИН



## Махфий эшик

Одам қандай касбда, қайси идорада ишлашидан қатъий назар ўз инсоний бурчини виждонан бажариши лозим. Виждон эса соғлом жамиятдаги соғлом одамларнинг теран дунёқараши, тушунчаси, туйғуси.

Куйбишев тумани ички ишлар бўлимининг БХСС бўлинмаси ходимлари ҳар ҳафта ўнлаб чайқовчи, кўзбўямачиларни қўлга оладилар.

Тошкент трактор заводи даҳасига қарашли «Қора оққуш» деб аталувчи чойхонада тунлари турли спиртли ичимликлар билан бирга тамаки маҳсулотлари ҳам сотиладигани ҳақида маълумот олди. Уни текшириш мақсадида 6 нафар БХСС ходими, беш нафар жамоатчи ёрдамчи ва уч нафар милиция мактаби талабасини олиб, тилга олинган чойхонага бордик. Ҳақиқатдан ҳам ичимлик ва

нашалар сотилиши маълум бўлди. Чойхонанинг ичида алоҳида хона бўлиб, «тунги юмушларни» бажараётган чойхоначининг уч ўғли негадир уни очишга зўр бериб қаршилик кўрсатишди. Ҳатто тўнғич ўғли А. Қосимов пичоқни олиб БХСС ходимларига ҳужум қилди. Чойхонанинг бошқа ходимлари ҳам пичоқ билан ташланишди.

Тунда, соат 22 да юз бераётган бу даҳшатли воқеада милиция ходимларининг ҳаётлари қил устида турарди. Барча имкониятлар ишга солинди. Не-не машаққатлар чекиб, охири «сирли хона» очишга муваффақ бўлдик. У ердан 23 дона ароқ, вино, алоҳида қоғозларга дид билан ўралган наша, фуқаролардан ўғирланган ҳайдовчилик, шахсий фуқаролик ҳужжатлари, совуқ қу-

роллар, 5 минг сўм пул топилди.

Биз чойхона ичида чайқовчи-жиноятчилар билан олишаётган вақтимизда ташқаридан бизга қарата икки марта ўқ узилди. Улар автомашинада қочиб улгуришди.

Бу мудҳиш воқеа шу йилнинг 29 март куни тунда рўй берди. Чойхоначининг ўғиллари кимлар, қаерда ишлашади, нима билан шуғулланишади, деган саволлар тугилиши табиий. Биз ҳам бу жиноятчиларнинг исм-шарифларини сир тутмоқчи эмасмиз. Тўнғич ўғил А. Қосимов Тошкент политехника олийгоҳида муҳандис бўлиб ишлайди, коммунист. Акасини қаттиқ туриб ҳимоя қилган укаларининг кимлигини, нима билан шуғулланишини текшириш аниқлайди.

**О. ШАРОПОВ,**  
милиция майори.

## Қонуннинг бўшлиғи — чайқовчининг ютуғи

Сўнгги йилларда жумҳуриятимизда халқ истеъмол моллари билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ортиб кетди. Чайқовчилар оқими маҳалла, бозор ва бошқа жамоат жойларидан бошлаб, завод-фабрикаларнинг дастгоҳларида меҳнат қилаётганлар ёнигача етиб келди.

Иқтисодий тақчиллик бошлангандан сўнг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш учун мавжуд қонунларимиз кучсизлик қилиб қолди. Шуларни инобатга олиб 1990 йил 31 октябрда «Савдодаги суниестемоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Текинхўр чайқовчилар билан кескин кураш олиб бориш учун бизга бир мунча ваколат ҳам берилди. Биз айнан мана шунни кутаётган эдик. Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Мазкур қонун кучга киргандан кейин бир қанча чайқовчиликка оид қонунбузарларни аниқладик. Айбдорларга нисбатан кўзгатишган жиноий ишлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги тўп-ланган материаллар халқ суди томонидан чиппакка чиқарилди. Сабаби қонун талабига кўра фақатгина савдо корхоналари ва ташкилотлардан сотиб олинган нарсалар қайта сотилса, чайқовчилик ҳисобланади. Бу мантқан тўғри, албатта. Бироқ меҳнатимизни йўққа чиқришига замин яратувчи банд ҳам мана шу. Тасаввур қилинг. Чайқовчи қўлга туш-

ди, ундаги ашёвий далиллар эса фақатгина давлат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Қонунбузар агарда шу буюмларни қайси дўкон ёки омбордан, ким орқали олганлигини айтсагина, айбдорлар жавобгарликка тортилади. Бордию бу ҳақда ҳеч нарса айтмай: «Ўзим шу нархда чайқовдан олгандим, зарурат туфайли қайта пулламоқчи бўлдим», — деса бас, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам.

Буларга Алексей Рустамов ва Толиб Ҳасановларнинг 1600 қути «Полёт» сигаретасини бир сўмдан пуллаганлиги юзасидан, Иззатулла Хўжахоновнинг кўп миқдорда ароқ олиб сотганлиги устидан ва Абдумалик Абдуллажоновларга нисбатан кўзгатишган жиноий ишларнинг тўхтатилиши каби ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Оқибатда, чайқовчилик ва текин даромад орттирувчи кимсаларга қарши иш олиб бориш ниҳоятда машаққатли кечмоқда.

Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиётга ўтган давримизда бу муаммолар ўз ечимини топмас экан, эл-юрт олдида ҳеч қачон юзимиз ёруғ бўлмайди. Қонунларимиз қатъий ва чўртжесар бўлмагунча, чайқовчиларнинг ошиғи олчи деяверинг. Шунинг учун қонун чиқарувчи идоралар бу масалага яна бир бор қайтишларини истар эдик.

**А. ҒОҒУРОВ,**  
Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги.



Суратларда: чойхонадан олинган ашёвий далиллар.

Сирдарё вилояти бўйича 40 нафар милиция ходими халқ ноиб этиб сайланган. Аслида ҳар бир милиционер меҳнаткашларнинг дард-ҳасратларига қулоқ тутиши, муаммоларни бартараф этиши, кўнгилсизликларнинг олдини олиши шарт. Бу уларнинг муқаддас бурчидир. Халқ ноиб деган номга сазовор бўлганларда бу бурч икки ҳисса ортади. Энди улар фуқароларнинг фақатгина тинчлигини ўйлаб қолмасдан, балки қишлоқлар, маҳаллалар, умуман тураржойлардаги ободончилик, турмуш маданияти, фаровонлик ҳақида ҳам бош қотириши, уларни яхшилаш учун елиб-югуриши лозим. Бошқача айтганда, халқ ноиб меҳнаткашларнинг суянчигидир.

Ички ишлар бўлиминдан тўрт киши халқ ноиб деган номга эгадир. — дейди Гулiston тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Қудрат ака Ҳотамов. — Ўзингиз биласиз

## ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ИЗЗАТ ТОПАСАН

кўпчилиكنинг ишончини қозониш оғир ва мураккаб вазифа. Нигитларимиз ўзларининг хатарли ва сермашаққат ишларини адо этиш билан бирга ноиблик ваколатларини ҳам бажариб келишмоқда. Катта участка вакили, милиция майори Ражаб Алимов, участка вакиллари, милиция катта лейтенанти Тўлқин Сатторов ва жиноят қидирув ходими, милиция катта лейтенанти Ваҳром Султонов ана шундайлардан.

Яқинда бўлиб ўтган посёлка ва туман Кенгашларининг сессияларида улар ўзларининг ноиблик фаолиятлари ҳақида ҳисоб бердилар. Халқ ҳам ўзларининг вакилларида миннатдор эканлигини билдирди.

Туман маркази ҳисобланмиш Крестянк посёлкасини айланиб, одамлар билан суҳбатлашганимизда бунинг яққол гувоҳи бўлдик. Кўпчилик посёлка Кенгаши ноиб милиция майори Р. Алимов тўғрисида илиқ сўзларни айтди.

Милиция таянч пунктига келгач, Р. Алимовни анчагача кутиб қолдик. Чунки милиция майорининг олдида келувчилар кўп эди. Уларнинг аксарият қисми унинг олдида сайловчи сифатида келишган экан.

— 1978 йилдан бери шу вазифада ишлаб келяман, — деди Р. Алимов. — Посёлкамизда 16 миллат вакилларида иборат 10 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар аҳил яшаб

келишмоқда. Ҳамиша одамларнинг яхши-ёмон куниде бирга бўламан. Шунинг учун улар ҳам мендан ёрдамларини аяшмайди.

Бир воқеани айтиб берай. Яқинда, тунги 12 лар чамаси посёлкадаги ногирон болалар боғчасига ўғри тушгани ҳақида менга хабар беришди. Дарҳол ўша ерга жўнадим. Уч-тўрт киши менга ҳамроҳ бўлишди. Ўғрилари О. Ғоибназаров ва В. Кравченколар экан. Уларни қўлга олишда одамлар менга катта ёрдам беришди. Бўлмаса улардан илтимос қилганим ҳам йўқ эди. Ўзимча шундай деб тушунаман, қилаётган ишларимни кўриб, уларнинг ўзлари виждонан кўмак бергиси кела-

ди, шекилли.

Халқимиз бекорга ҳурмат қилсанг, иззат топасан деб айтмайди. Одамлар кўнглига йўл топа билгани учун ҳам кўплаб милиция ходимларига меҳнаткашлар сийдирилдан ёрдам бермоқда. Яна бир мисол. Жиноят қидирув бўлими ходими, милиция катта лейтенанти, халқ ноиб Ваҳром Султонов фуқаролар ёрдамида 1941 йилда туғилган, илгари тўрт марта судланган Николай Торгашинин анча миқдордаги қорадори билан осонгина қўлга олди. Бўлмаса пихини ёрган бу жиноятчини ушлаш осон эмасди.

Халқ — катта куч. Уларга хўнат қилмасдан, покизалик билан иш олиб борилса, фуқаролар ҳар қандай қийин вазиятда ҳам милицияга ёрдам қўлини чўзадди. Ниятим бундай ходимлар сафи кенгайверсин.

**Қодиржон МУҲАММАДЖОНОВ,**  
милиция капитани.

# ОЛОВНИ ЖИЛОВЛАШ

## БАХОДИРЛАР ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

1918 йил 17 апрель куни В. И. Ленин ёнгина қарши кураш тadbирларини ташкил этиш тўғрисидаги декретни имзолаган. Шу бонс 17 апрель тилсиз ёвга қарши курашувчиларнинг анъанавий касб байрамлари сифатида нишонланиб келади.

Агар босиб ўтилган йўлга бугун бир назар ташласак, ўзбекистонлик ўт ўчирувчилар кўҳна тарихга нисбатан киприк қоқулик даражадаги қисқа фурсатда гоят залворли ишларни амалга оширганларини кўриш мумкин.

Еш совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида улар қўлларига қурол олиб, инқилоб ғалабаларини мустаҳкамлашда ўрнатилган кўрсаткичлар. Мамлакатни индустриallashtiriш, коллективlashtiriш жараёнларидан ҳам четда қолмадилар. Улуғ Ватан уруши, айниқса, бу қирғинбаротнинг сўнгги йиллари ҳамкасбларимиз учун том маънодаги тобланиш, чиниқш йиллари бўлди. Тошкент, Газли, Назарбекда юз берган зилзилалар оқибатини тугатишда алоҳида матонат кўрсатиб, эл ишончини қозонишди.

Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги нефт қудқларидан чиққан ёнгини бартараф этишда мардлик кўрсатган ўт ўчирувчилар қаҳрамонлиги ҳамюртларимиз хотираларида сақланиб қолган.

Шу ўринда бир нарсани кўшимча қилиб ўтиш керак, ҳамкасбларимиз орасида жабр кўраётган одамни шунчаки нотаниш киши деб эмас, балки ИНСОН деб билладиган, ёниб кетаётган мулкни «давлатники» деб эмас, ўзиники деб ҳисоблайдиган жонкуярлар кўпчилиги. Шу бонс Тошкентдаги Навоий номли театр, «Ўзбекистон», «Чорсу», «Ленинград» меҳмонхоналари, Нукусдаги «Тошкент» меҳмонхонаси, Станиславский номли театр каби бинолар, Ширин шаҳридаги Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёғ-мой комбинати, Красногвардейскдаги нефт омбори ва шунга ўхшаш йирик халқ хўжалиги объектлари сақлаб қолинди.

Халқимизда жанг бехатар бўлмайди, деган нақл бор. Афсуски, бу нақл тўғрили-

гини амалда кўрдик. Фарғоналик И. Дехқонов, Г. Станников, тошкентлик В. Челноков каби садоқатли ўртоқларимиз тилсиз ёв билан бўлган жангларда ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзларини қурбон қилганлар. Уларга ўлимидан кейин «Қизил Юлдуз» ордени берилди. Лекин бу мукофот бизнинг юрагимизни куйдираётган оловни ўчиришга ожиз.

Бугунги кунда жумҳурият ёнгиндан муҳофаза қилиш тармоғида кўплаб баҳодир йигитлар хизмат қилмоқда. Шунчаки хизмат қилишаётгани йўқ, балки шаҳид кетган ҳамкасблари анъаналарини давом эттирмоқдалар. 282 нафар ходимимиз «Ёнгиндаги жасорати учун» медали билан тақдирланган. Олов билан кураш жабҳасида тобланганлар орасидан етишиб чиққан баъзи ўртоқларимиз эса ички ишлар соҳасида юқори лавозимларда хизмат қилишмоқда. Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Э. Норгитов, ССЖИ ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш муҳандислари тайёрлайдиган олий билимгоҳининг Тошкент куллиети бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Б. Қосимов, Қашқадарё вилояти ИИБ бошлғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Холиқов ўртоқлар чин маънода бизнинг фахримиздир.

Бугунги кунда жумҳуриятимиз турли туманларида А. Аҳмедов, А. Макаров, С. Саидов, Л. Литошенко, В. Лукин, К. Лим, И. Бойко сингари фахрийларимиз эстафетани қўлларидан олган шогирдларига доно маслаҳатлари билан кўмакдош бўлмоқдалар.

Шу йил 8 февраль куни жумҳурият президенти Фармонига мувофиқ М. Иброҳимов, С. Мёд, М. Солиҳов, Р. Ҳалимов каби 15 нафар хизматчиларимиз «Ёнгиндаги жасорати учун» медали билан тақдирланди.

Мен барча сафдошларимни анъанавий касб байрамлари билан муборакбод этаман.

**А. ЕҚУБОВ,**  
ЎзССЖ ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги.



### ЖАСОРАТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўтган йилнинг 4 август куни Термизнинг Каттакум даҳасида юз берган кучли портлаш барчани ваҳимага солди. Термиз паррандачилик фабрикаси, «Лимонзор» посёлкаси, «Учкизил» темир йўл станциялари қора булут остида

қолди. «Учкизил» станцияси яқиндаги омборхоналардан бирига тушган аланга натижасида тўртта омборхона портлаб, ўт ичида қолди. Вилоятдаги барча ўт ўчириш кучлари ёнгин ўчоғига сафар-

бар қилинди. Биринчи навбатда болалар ва кексаларни бехатар жойларга олиб чиқиб, ваҳимага берилмаслик чоралари кўрилди.

Кечга яқин ёнгин жилволанди. Хавф-хатар бартараф этилди. Ўт ўчирувчилар ўз вазифаларини моҳирона бажардилар. Бу даҳшатли ёнгинни енгишда ички хизмат подполковниги М. Соатов, ички хизмат катта лейтенантлари А. Бўлакбоев, Г. Рўзиев ва ходимлардан И. Ҳасанов, Н. Тўраевларнинг хизматлари катта бўлди.

Яқинда ЎзССЖ Президенти И. Каримов Фармони билан Г. Рўзиев, О. Велназаров, И. Ҳасановлар «Ёнгиндаги жасорати учун» нишони билан тақдирландилар. Шунингдек, Ж. Манниев, Р. Чориев, К. Ҳайдаров, А. Бўлакбоев, Б. Қиличев, Ш. Жумартов, Ж. Рўзиев, К. Каримов, Д. Бўриев, И. Рўзиев ва Н. Тўраевлар моддий рағбатлантирилдилар.

**Э. ҚОДИРОВ,**  
милиция подполковниги.

**СУРАТДА:** вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари В. Костенко И. Ҳасанов ва О. Велназаровга ҳуқумат мукофотларини топширмоқда.

### ФАҚАТ ДАЛИЛИЙ РАҚАМЛАР

Ўтган йилги жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида 25512 марта ёнгин содир бўлди. Бу фалокатлар оқибатида давлатимизга 21 миллион 997 минг 309 сўм зарар етказилди.

1990 йилги ёнгин ичида қолиб кетиши натижасида 251 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Фақатгина савдо шахобчалари ва омборларида 761 марта ўт чиқиши оқибатида давлат 6 миллион 14 минг 920 сўм зарар кўрган.

1991 йилнинг дастлабки уч ойида 5580 кўнгилсиз ҳодиса қайд этилди. 3 миллион 954 минг 351 сўмлик мол кулга айланди.

Уч ойдаги ёнгинлар сабабли 80 киши ҳалок бўлди.

Шу йилнинг январь, февраль ва мартида 122 та савдо шахобчаси ўт ичида қолди. 379 минг 755 сўмлик мулкнинг кули кўкка соғирилди.

Бу касбда асаби бўшлар ишлаш олмайди. Чунки фалокатни даф қилиш учун йўлга чиққан ўт ўчирувчиларнинг ҳолати кўниш чизинга яқинлашиб келаётган тайёрани бошқараётган учувчиникдан қолишмас экан. Озгина хато тузатиб бўлмас кулфатни келтириб чиқариши мумкин.

Мен бугун пайтдан фойдаланиб, жасоратли касб эгаларини байрамлари билан

### ОФАРИН ЙИГИТЛАРГА

қутлайман. Эл бахтига омон бўлинг, ўқтамлар, дейман.

**Т. МУСАЕВ,**  
Урганч ёғ-мой ишлаш чиқариш корхонаси директори, Ўзбекистон ССЖ халқ ноиб.

### ИЗНИ ЁПИШОЛМАДИ

Ўтган йили Ғалаба тумани ИИБга ташвишли хабар келди. Благовешенка посёлкасидаги дўконлардан бирига ўт кетган.

Зудлик билан оператив гуруҳ йўлга тушди. Ёнгин тезда бартараф қилинди. Кимлардир дўконнинг орқа деворини тешиб, ичкарига киришган. Ва иккита телевизор, бир дона синтезатор, мотоциклнинг мотори, учта овозингор (радио), битта радиола, саккиз дона мотоцикл шинаси, овоз кучайтиргич, ускуна, магнитофон колонкасини ўғирлашган. Кетил олди изни йўқотиш мақсадида дўконга

ўт қўйишган. Милиция ходимлари вақтин бой бермасдан ўғриларнинг кетидан тушишди. Кўрилган чора-тадбир натижасида кўп ўтмасдан шу посёлкада истиқомат қилувчи Раззоқ, Шариф ва Умар қўлга олинди. Уларнинг уйларидан ўғирланган моллар топилди.

Биргина шу ёнгин сабабли давлатга 44 минг 175 сўм зарар етказилди.

Айни кунларда суриштирув ишлари оlib борилмоқда. Эрта-индин ўғрилар одил суд олдида жавоб берадилар.

**М. АБДИЕВ.**

## Фидойилар сафи кенгайверсин



Қашқадарё вилояти кўнгилли ўт ўчириш жамияти чўл зоналарида ташкил этилган жамоалардан биринчиси ҳисобланади. Бугунги кунда унинг сафига 35 мингга яқин кўнгилли ўт ўчириш аъзолари жамлангандир. Улар ёнгининг олдини олишда ва ўчиришда фаол қатнашмоқ-

далар. Содир бўлаётган ёнгининг учдан бир қисmini мана шу жамият аъзолари бартараф этмоқда. Шу мисолнинг ўзиде уларнинг қай даражада ишлашаётганини билдиради.

Вилоят бўйича 900 тага яқин халқ хўжалиги корхоналарида шундай жамиятлар

тузилган. Уларнинг ичида бошқаларга ўрнатилганлар анчагина. Қарши ёғ-экстракция заводидаги кўнгилли ўт ўчириш жамияти аъзоларининг ишлари, айниқса, мақтовга сазовордир.

Темур Арабов, Людмила Колесник, Саъдулла Авазов, Суннат Муродов, Комил Одиллов каби кўнгилли ўт ўчирувчилар кейинги пайтда катта ишларни амалга оширдилар. Завод ҳудудида 220 метр масофадаги ёнгина қарши курашишга мўлжалланган сув қувури ётқизилди. Илгари шелуха-сепаратор бўлими кўпгина чанг ва губорларни чиқарар, улар завод ҳудудига тарқалиб, ёнгин чиқишига хавф туғдирарди. Шунинг учун бу бўлимга махсус ускуна ўрнатилди. Ҳозирги пайтда бу ускуна чанг ва губорларни ўзида ушлаб қолиб, турли кўнгилсизликларнинг олдини олмақда. Яроқсиз ҳолда ётган ижтга ёнгина қарши

сув ҳовузи қайта таъмирланди. Эндиликда у ерга ўт ўчириш машиналари бемалол келиб, сув олишлари мумкин. Бундан ташқари кўнгиллилар томонидан ҳар чоракда махсус асбоб-ускуналар синовдан ўтказилиб, текшириб борилди. Дастлаб ўт ўчирувчиларнинг малакаси аниқлаиб, жанговар ҳолатга келтирилди, уларга зарур кўрсатмалар берилди. Электр асбоб-ускуналари режа асосида мунтазам кузатиб бориладиган бўлди.

Заводда ҳар йили хавфсизлик ойн ўтказиш анъанага айланди. Бу тадбирга барча жалб этилиб мусобақалар таъкил этилди. Илгорлар, фаол қатнашган ишчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди. Натижа ёмон бўлмади. Охириги беш йил давомида заводда ҳеч қандай кўнгилсизлик содир бўлмади. Буни ҳисобга олган Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ҳам-

да жумҳурият ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлиги уларни бир неча бор фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Завод кўнгилли ўт ўчирувчилари ташаббуси билан бу ерда таянч пункти ташкил этилди. Ўт ўчиришга мўлжалланган ҳар хил ускуналар, электр асбоблари билан ишлаш қонун-қоидалари аке этирилган кўргазмалли плакатлар жойлаштирилди. Бу ерда ишчи ва хизматчилар ҳамда ишга янги қабул қилинганлар ўқитилиши жорий этилди.

Қани эди, бошқа корхоналарда ҳам худди шундай фидойилар кўпаяверса.

**О. ҚОДИРОВ,**  
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, ички хизмат майори.

**СУРАТДА:** Қарши ёғ-экстракция заводи қоншида ташкил этилган кўнгилли ўт ўчириш жамияти аъзоси Нуритдин Нажимов машинада.

# МАРДЛАРНИНГ ИШИ

Утган йили 908 халқ хўжалик объектларига қасддан ўт қўйилган. Натижада давлатга 7 миллион 897 минг 457 сўм зарар етказилди.

Шу йилнинг уч ойида эса 116 марта халқ хўжалик объектлари ёқиб юборилган. Жиноятчиларнинг ана шу ҳаттиҳаракати оқибатида 304 минг 109 сўмлик бойлигимиз ҳавога учди.

Утган йили турли хил эҳтиётсизлик оқибатида 8540 марта ўт олиб кетиш ҳодисаси юз берди. Бу фалокатларда 2 миллион 051 минг 645 сўмлик жидозларимиз бекорга нобуд бўлди.

Бу йилги уч ойда эса локайдлик тўғрисида 1273 та ён

гин содир бўлди. Ва 374 минг 211 сўмлик зарар кўрилди.

Иситиш қурилмаларидан нотўғри фойдаланилганлиги сабабли ўтган йили 3323 та кўнгилсиз ҳодиса қайд этилди. Бу эса давлатга 2 миллион 200 минг 349 сўмга тушди.

## ФАҚАТ ДАЛИЛИЙ РАҚАМЛАР

Январь, февраль, март ойларидан содир бўлган 1851 та ённинг носоз иситиш ускуналари келтириб чиқарди. Одамларнинг эҳтиётсизлиги тўғрисида 1 миллион 539 минг 133 сўмлик зарар кўрилди.

Балаид иморатларнинг пештоқларидаги, кўчалардаги турли-туман плакатларда «Болаларни назоратсиз қолдирманг, бу ёнғинга сабаб бўлади», деган шiorларни ҳар кун кўрамиз. Афсус бунга ҳаммамиз ҳам эътибор беравермаймиз. Натижада...

Утган йили болалар ёлғиз уйда қолганлиги сабабли 5995 тоннадон ўт ичида қолган, 1 миллион 792 минг 791 сўм зиён кўрилган.

Ана шундай ҳодисалар ушбу йилнинг дастлабки уч ойида 738 марта қайд этилган. 235 минг 480 сўмлик мулк куйиб кетган.

## ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН

Ўт балосига қарши курашгандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Бунга яхши тушунган ходимларимиз анча хайрли ишларни амалга оширишмоқдалар. Шу йилнинг фақат икки ойи давомида йигитларимиз 2487 халқ хўжалик муассасаларида ёнғинга қарши курашиш қай ҳолатда эканлигини кўздан кечирдилар. 1008 қонунбузар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Ёнғин келтириб чиқариш хавфи бўлган 1118 агрегат ва электр ускуналарининг ишлаши тўхтатиб қўйилди. Фалокатнинг олдини олиш учун 299 халқ хўжалик муассасаси вақтинча ёпилди. Чунки бу жойларда ҳар бир дақиқада ўт олиб кетиш хавфи мавжуд эди.

Вилоят давлат ёнғиндан муҳофаза этиш ходимлари аҳоли ўртасида ҳам ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бу ишда олмай ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Утган йили вилоят ва туман рўзмоналарида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларига бағишланган 236 мақола чоп этилди. 288 марта овознигор (радио) орқали чиқишлар ташкил қилинди. Бундан ташқари ҳар душанбада вилоят овознигори орқали «01 хабар беради» деб аталган махсус эшиттиришда ҳафта давомида содир бўлган ҳодисалар ҳақида аҳолини табиштириб борамиз. Уларни

эҳтиёткорликка чақирамиз. Ўт ўчирувчиларимиз меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларга боришиб, фуқароларга ёнғиннинг олдини олиш, кўнгилсизлик содир бўлса, биринчи галда нималар қилиш лозимлиги тўғрисида маслаҳатлар беришмоқда.

Яна бир хайрли иш хусусида ҳам тўхталмоқчиман. Кейинги пайтда турли хил конкурс, ойлик ва викториналар ташкил этишни одат тусига киритдик.

Бу билан нима демоқчиман. Ана шу тадбирлар амалга оширилгач, ёнғин чиқиши сезиларли даражада камаймоқда. Айниқса, ёнғин жазираси пайтида ташвишли кўнғироқлар сони кескин озайди. Бугун ана шу ишларни сидқидилдан бажараётганларни тилга олмоқчиман. Вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг ички хизмат капитани К. Баҳриев бошлиқ 3-ҳарбийлаштирилган мустақил ўт ўчириш қисми, капитан Г. Бердиёров бошлиқ Пахтачи тумани ИИБ ёнғиндан сақлаш инспекцияси, майор А. Ҳосилов бошлиқ Хатирчи тумани ИИБ ёнғиндан сақлаш инспекцияси ходимлари шулар жумласидандир.

**В. ХУЖАҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори.

## ДЎКОНДАГИ ЁНҒИН

Уша кун 21 март эди. Ҳамма Наврўз байрамини нишонларди. Оила, кўча-кўй, жамоаларда хурсандчилик давом этар, тантанана аятаб ёзилган дастурхон атрофида ширин суҳбат авж оларди.

Ғузур тумани ички ишлар бўлими ходимлари ҳам Наврўз байрамини ўзига хос ҳолда кутиб олиб, завқу шавқ билан ўтказарди. Аммо...

Навбатчи милиционер тревога эълон қилди. Шаҳардаги каттагина савдо дўконидан ёнғин бошланган эди.

Бу ерга милиция ходимлари ўт ўчирувчилар билан тенг ҳолда етиб келдилар. Оловнинг ўтли тили бутун дўконни қамраб олган, даҳшатли тусда «қасир-қусур» овоз чиқариб ёнарди. Бу кулфатни енгиш учун ўт ўчирувчилар ва милиционерлар биргаликда ярим соатча кураш олиб боришди. Фалокат даф этилди. Ёнғин чиқиши натижасида давлатга 7 минг сўм зарар келтирилди. Ўт ўчирувчилар билан милиция ходимларининг жонкуярлик кўрсатиб, ўт балосига қарши курашганликлари учун дўкондаги 700 минг сўмлик тайёр кийимлар сақлаб қолинди.

Сирли ёнғиндан шубҳаланиб, тезда оператив гуруҳ ташкил этилди. Ва текширув бошланди. Шу кун ички ишлар бўлими ходимлари ёнғин содир бўлган дўкон сотувчиларидан бирининг уйдан 5000 метрга яқин қимматбаҳо газламалар, иккинчисиникидан жуда катта суммада пул, бошқасиникидан эса кўплаб пул, ноёб материаллар, чет элда ишлаб чиқарилган тайёр кийимлар топдилар. Аниқланишича, бу пул ва турли хил товарлар дўконга тегишли экан.

Ажабланарли томони шундаки, дўконда ва унинг омборида мол сақлаш учун жой бемалол бўлишига қарамасдан, сотувчилар давлат мол-мулкнинг уйларида сақлашган. Энди савол туғилади. Нима учун? Бунга текшириш аниқлайди.

Айни пайтда суриштирув ишлари кетмоқда. Суд ҳукми кучга киргач, бу ҳодиса тафсилоти ва унинг айбдорлари ҳақида кенгроқ маълумот бериш ниятиниз бор.

А. ТОҒАЕВ.

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

Ёнғинни тилсиз ёв, дейишарди. Дарҳақиқат, ёнғин тўғрисида халқ хўжалиги зарар кўради, инсонлар ҳаёти хавф остида қолади.

Туман ички ишлар бўлими ёнғиндан муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан кўнгилсизликларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги натижасида сўнгги 3-4 йил ичида пахта тозалаш заводи ва пахта қабул қилиш пунктларида бирон марта ҳам хунук воқеа содир бўлмади.

Бу ишда бошқаларга наму-

на кўрсатиб ишлаётган ички хизмат капитани Қодирберган Полвонов, ички хизмат катта лейтенанти Оллоберган Тожиёв ва Рўздат Пирназаров, Қаландар Жуманиёзов, Қутлимурод Жуманазаров, Соҳиб Норбоев, Шайхназар Юсупов сингари жонкуяр ўт ўчирувчиларни бугун фахр билан тилга оламиз. Ва уларни 17 апрель — ўт ўчирувчилар кун билан қизғин муборакбод этамиз, ишларига ривож тилаймиз.



Янгириқ туманидаги пахта тозалаш заводи маъмурияти.

## СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

Жумҳуриятимиз ҳудудида озми-кўпми турли сабабларга кўра ёнғинлар бўлиб туради. Оловли касб эгалари тилсиз ёв билан олиниш учун бор маҳоратларини ишга солидилар. Бу курашда қатнашаётган ҳар бир ўт ўчирувчи астойдил ҳаракат қилиши, ўз

билимини намоён этиши зарур. Бундай маҳорат тинимсиз машқлар эвазига юзага келади.


**СУРАТЛАРДА:** ўт ўчирувчилар фаолиятдан лавҳалар. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



Ушбу саҳифа Ўзбекистон ССЖ ИИБ ёнғиндан муҳофаза этиш бошқармаси матбуот маркази ходимлари билан биргаликда тайёрланди.

# ҚОНУННОМИ

## Тўқинлик ва осуда ҳаёт учун



Азиз муштарийларимиз! Хукмингизга ҳавола этилаётган мазкур саҳифамизда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг ўзига хос машаққатли ва мароқли фаолиятларини ёритиб боришни ният қилдик. Бу борада аввало сизнинг маслаҳатингизга, таклиф ва истакларингизга суянамиз. Шу маънода орзуларимиз, режа ва тадбирларимизни сиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ходимларининг айни чоғда ҳам хавфли, ҳам қизиқарли фаолиятлари ҳақида билишни ким истамайди дейсиз? Ҳозирги иқтисодий қўпурувчиликнинг илдири-илдизига очишга интилаётган «махфий» кишилар ҳам шулар эмасми?

Милиция ходимлари — у БХСС инспекторими, жиноят қидирув бўлими ходимими, терговчи ёки участка инспекторими, ким бўлишидан, қатъи назар, уларнинг зиммасига турли жиноятлар, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш ва батамом пайини қирқиб вазибалари юклатилган. Шунингдек, уларга жиноятларни аниқлаш ва тезда тўла-тўқис очиб ташлаш, жамоат тартибни сақлаш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, мол-мулкларини ҳар қандай тажовуз ва талон-торожлардан ҳимоя қилишдек мураккаб иш топширилган.

Саҳифамизнинг келгуси сонларида жумҳуриятимиз милиция ходимлари ана шу бурчни қандай бажарётганликлари ҳақида ҳикоя қилиш ниятдамиз.

Тергов ишининг мураккаблиги ва айни чоғда инсон тақдирининг муқаддаслиги ҳақида узундан-узоқ гапириб ўтиришга ҳолат йўқ. Бир уқувсиз прокурорнинг айби билан жиноий жавобгарликка тортилган фуқаронинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг! Унинг айбсизлигини исботлаш эса бошқа прокурор зиммасига тушади.

Бир неча минг саҳифадан иборат жиноий иш тўпламларини кунт билан ўрганиш, ҳар бир ҳолатни чуқур таҳлил этиш суд ходимидан жиддий тажриба, чексиз қандам талаб этадиган қийин жараёндир. Табиб табибиас, бошдан ўтказган табиб, дейишади. Ҳоқ жиноий ишларни кўришда, ҳоқ гражданлик ишларини юритишда бўлсин адолат посонгисини баб-баравар қўйгувчи одил ҳакам бу халқ судийдир. Судлар меҳнаткашларнинг шаъни ва қадр-қимматини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар қандай хуружлардан муҳофаза қилишга даъват этилганлар. Суд залида айбсиз айбдор бўлишдан, айбдорнинг эса сувдан қуруқ чиқишидан кўра адолатсизлик бўлмаса керак дунёда.

Лекин ҳаёт мураккаб-да. Қўйндан то юқоригача бўлган суд бўғинларида ҳаминша ҳам фахрланса арзигулик ишлар бисёр, деб бўлмайди. Эҳтимол-сиз йўллаган мактублар судларда юз бераётган ҳақсизликларни фош этишга асос бўлар.

Қаердаки қонунда белгиланган чегарадан тойиб кетилдими, тамом. Уни ўнглаб олгунча кўп вақт керак. Жумҳуриятимиз Адлия вазирлиги ва унга бўйсунган адлия бошқармалари ҳамда бўлимларида аҳвол қандай? Қабул қилинган қонулар ҳаммага ҳам бирдай тушунарлими? Унинг ижроси-чи? Баъзан қариялар, ёшлар, ногиронлар ва оддий фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари маҳаллий ҳокимият—социал-таъминот бўлимлари, шифохоналар, корхона ва бошқа муассасаларнинг раҳбариятлари томонидан камситилаётганлиги ҳақида кўпга шикоят хатлари йўллашади. Хўш, бу қонунни менсимасликми ёки уни тушунамасликми?

Сўнгги икки-уч йил мобайнида СССР халқ депутатлари съездлари ва сессияларида кўпга қонулар қабул қилинди. Бу яхши. Аммо минг афсуски, шу қонуни қанчалик ҳаётини эканлигига баҳо бергувчиларнинг асосий қисми ҳуқуқшунослик илми ва тажрибасидан кўп йироқ кишилардир. Шу боис сўнгги йилларда қабул қилинган ўнлаб қонулар ҳаёда ўз ўрнига тушмай қолаёттир. Яхшиси, шу мавзуда ҳуқуқшунослар баҳалашсинлар.

Рўзгорининг тўқинлиги, ҳаётнинг осудалиги оддий деҳқондан тортиб ҳокимият раҳбаригача сувдай зарур. Ҳозиргидек галаговур даврда фақат интизомга ва қонунга бўйсунмоқ керак. Аммо уни истамаётган кимсалар борлиги аччиқ ҳақиқатдир. Деҳқоннинг тинчлини бузаётган, гўдақнинг ризқини қияётганларга қарши кураш асосан шу беш соҳа кишилари зиммасидадир. Лекин сиз, азиз муштарийларимиз ҳам бу қутлуг ишдан чеккада туржасиз.

Саҳобиддин СИРОЖИДИНОВ,  
шикоят хат ва маъмурий органлар бўлими мудири.

## СЎЗ-ЎЗ СОҲАСИ МУТАСАДДИЛАРИГА

### ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ЧУҚУР

Бўришо МУСТАФОВ,  
Ўзбекистон ССР прокурори



Партиянинг қайта қуриш ва демократиялаш йўли социалистик қонунчилигини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли қўриқлашдан, ижтимоий адолат талабларига қатъий амал қилишдан ажралмасдир. Бироқ кейинги беш йилликда жумҳуриятимизда, нафақат жумҳуриятимиз, балки Иттифоқимизда ҳам жиноятчилик, айниқса, уюшган жиноятчилик, махфий иқтисод, чайқовчилик, истеъмол молларини ўмариб кетиш ёки кўп миқдорда яшириб қўйиш, халқ

орасида парокандалик келтириб чиқариш, талончилик ва йўлтўсарлик каби жиноят турларининг кўпайётганлиги туфайли меҳнаткаш халқ орасида ҳақли безовталаниш пайдо бўлаёттир. Бунинг устига савдо дўконлари қуригандан қуриб бормоқда: Нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Одамлар тинч ишлаб, хотиржам яшашга, тўқинроқ рўзгор тебратишга умид қилсалар бўладими?

Бу саволга батафсил жавоб бермоқ учун аввало халқ ҳўжалигининг қайси бўғинларида жиноятчиликнинг мураккаб кўринишлари юзага келаётганлигини аниқлаб олиш зарур. Хўжасизликдан тортиб иқтисодий қўпурувчиликка, оддий кисса-вурликдан тортиб қотилликка, махфий иқтисодиётдан

тортиб бузғунчиликкача бўлган жиноятлар шу даражада бир-бирига боғланиб кетгани, эндиликда бундай кўри-нишларни оддий фуқаролар ҳам содда қилиб «мафия» деб атайдиган бўлиб қолди-лар.

Хўш, мафия ўзи нима? Уюшган жиноятчилик-чи? Иқтисодий қўпурувчилик-чи? Уларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат? Хуллас, бу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда. Қонуларга амал қилиш ва қонун бузилишнинг олдини олиш борасида прокурор назорати қай аҳволда? Таъкидлаганимиздек, жиноятчиликнинг илдири жуда чуқурдир. Демак, шу мавзудаги суҳбатимиз бирмунча жиддий, бирмунча залворли бўлади.

## ОЛИЙ СУДНИНГ БИР КУНИ

Улуғбек НАБИЕВ,  
Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси



Албатта, «Қишлоқ ҳақиқати» муштарийларини «Пахта иши» деб аталмиш жараёнинг қандай бораётганлиги ва бу борада қандай натижаларга эришилганлиги қизиқтиради. Шундай маломат билан кўп киши жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва бугунгача улардан қанчаси оқланганлиги ёки авф этилганлиги кимни қизиқтирмайди? Маълумки, бу иш билан олий судимиз аъзолари, жумҳурият прокуратурасининг бир гуруҳ тажрибали ходимлари шуғулланишмоқда.

Ҳозирча ўша жабрдийдаларнинг кўпчилиги Олий суд

чиқарган одил ақримларни қувонч билан олдилар. Улар турмаларнинг зах хоналаридан чиқиб, оиласи, фарзандлари, ёру биродарлари кучоғига соғ-омон қайтдилар. Уларнинг топталган ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда. Қўрған моддий зиёнлари тўлалигича тўланаёттир. Аммо бу улар тортган азоб-уқубатлар захрини юва оладими? Моддий зиённинг, ўрни тўлар, аммо бой берилган саломатлик, маънавий бойлигини тиклаб бўладими?

Яна бир аччиқ ҳақиқат. Олий суднинг одил ақрими ололмай оламдан ўтган қанча ҳалолу пок пахта ус-

Уша куни ажойиб инсон Эргаш ақани охириг йўлга кузетиш, руҳини шод этиш учун тумонат одам йиғилганди. Шогирдлар, таниш-билишлар, ҳамюртлар барча-барчанинг дийдасида ёш, қалбларида изтироб. Мотам митингини бошқарётган қишлоқ оқсоқоли сукунатни бузиб шундай деди:

— Эргаш Жумоев пахтачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратди. Бой билими, маҳоратини ўнлаб, юзлаб шогирдларга ўргатди. Демак, шогирдлари ҳаёт экан, Эргаш ака ҳам ҳаётдир. Яратувчилик ишларимизда руҳан иш бошидир. Гоҳида биз тақдир азал олдидеда ожизлик қиламиз. Эргаш ака қилган меҳнатлари самарасини кўролмади. «Пахта иши» деб аталмиш қатағонлигининг, тухмат зўровонлигининг қурбони бўлди. 63 ёшида ҳаётдан видолашди. Унинг хотираси қалбимизда узоқ қолади...

Шофиркон пахтачилигини Эргаш ақанинг хизматисиз тасаввур этиш қийин. У деҳқон оиласида таваллуд топди. Пахтакорлик касбига бўлган меҳрунга она сuti билан кирганди. У машҳур деҳқонлар —

шерободлик Шароф бобо Ҳамроев, Рамзод Умаров, жўновлик Самад бобо Шарипов, деновлик Эгам бобо Гуловлар яратган деҳқончилик тажрибаларини ўрганди. Эргаш ақанинг таржimai ҳолига нигоҳ ташлар эканмиз ҳаёт сўқмоқларида халққа белинмиёт хизмат қилганлиги, деҳқончилик учун жон куйдириб, тер тўққанлиги юрт хизматига камарбаста бўлганлиги яққол кўринад.

У етти йиллик мактабни тугатиб, колхозда ишлади. Деҳқонларнинг оғир меҳнатини, пахта этиштириш машаққатини бошдан кечирди. Механизаторлик курсини тугатиб «Қизил байроқ» колхозиде тракторчилик қилди. 1957 йилда бригадир бўлиб иш бошлади. 6 йил мобайнида участкада ҳосилдорлик 20 центнерданга кўпайди. Еки ҳар гектар ердан олинадиган 12 центнерлик ҳосил 32 центнерга етди. Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллик

талари, Меҳнат Қаҳрамонлари, асл раҳбар-кадрлардан ҳам айрилдик. Элимизда эр йиғитнинг камолати учун қирқ йил керак, деган доно ҳикмат бор. Афсуски, сўнгги беш-олти йил мобайнида жумҳуриятимиз ўнлаб «эр йиғит»ларидан маҳрум бўлди. Бунда марказдан келган «пахта иши» «десантчи»ларининг бевосита улуши бор. Бу ҳақда кейинроқ батафсил сўз юритамиз. «Пахта иши» бўйича матбуотда ёритилиши зарур бўлган жуда кўп муаммолар бор.

## АРМОНИ

юбилейи муносабати билан жумҳурият Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Эргаш ака деҳқончиликда янгиликларни дадил қўллай бошлади. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш, янги ерни оборотга қўйиш натижасида 1972 йилда гектариден рекорд ҳосил олди. Унинг бригадаси Бухоро вилоятида эмас, ҳатто қардош жумҳурият деҳқонларининг ҳам чинаккам тажриба ўрганиш мактабига айланди.

Уста пахтакорга 1980 йилда катта ишонч билдирилиб академик И. Мўминов номли жомеа ҳўжалиги раислигига сайлашди. Хўжаликда ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланди. Чорвачилик, пиллачилик соҳаларида қувончли натижаларга эришила бошланди. Деҳқонлар елкасига офтоб теғди. Қўли пул кўрди. Иқтисодий манфаатдорлик ҳўжалигининг ижтимоий қиёфасига ҳўсн

# БИЛАН

## СУЗ-ЎЗ СОҲАСИ МУТАСАДДИЛАРИГА

### ҲАМЖИҲАТЛИК КЕРАК

**Рихситилла АҚРОМОВ,**  
Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг  
жамоатчилик билан алоқа маркази бошлиғи



нинг бир тўда қонунбузарлар қўлига ўтиб қолишининг олдини олиш борасидаги кураш мураккаб паллага кирди. Гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан жудодликлар ҳам бор.

Мана шундай бир шароитда қишлоқ чекистлари қандай ишлашмоқда? Уларнинг ҳаёти, бола-чақалари, оилалари, яқинлари қай даражада муҳофазаланган? Сўнгги беш йилликда юзага келган бош-бошдоқлик, тартиб-интизомнинг издан чиқиши оддий фуқароларнинг ҳаёт кечиришини янада мушкуллаштириб юборди. Қонунбузарлик ҳаракатлари илдириш отмоқда. Бу ҳокимият бошқарувига ҳам, аҳолининг хотиржамлигига ҳам жиддий зиён етказмоқда. Махфий тўдалар тарқатаётган турли ёлгон уйдирмалар, мишмишлар кўпинча чекистлар номини қоралаш билан боғлаб тарқатилмоқда. Ана шундай кимсаларга ҳаммамиз бир бўлиб қақшатқич зарба берадиган вақт келди. «Қонун номи билан» сачифасининг келгуси сонларида ана шу мураккаб шароитда матонат билан ишлаётган қишлоқ чекистлари ҳақида турқум мақолалар берилса, айти муддао бўлур эди.

Деярли ҳар куни ёки кунора гоҳ рўзномаларда, гоҳ радио, гоҳ ойнаи жаҳон орқали Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ходимларининг кенг жамоатчилик ва тегишли орган ходимлари билан ҳамкорликда очган жиноятларидан хабардор бўлиб турибсиз. Ҳозирги танг шароитда, жамиятимиз ва меҳнаткашларимиз манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этаётган кимсаларни фош этиб ташлаш осон кечмайпти. Айниқса уюшган жиноятчилар тўдаларининг пайини қирқишда жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Иқтисодий қўпоровчилик ва халқ истеъмоли моллари-



Давлатимиз ҳуқуқий давлат сари юз тутмоқда. Халқ манфаати йўлида юзлаб қонуну фармойишлар қабул қилинмоқда. Аммо уларга амал қилиш ҳам маҳаллий ҳокимият ходимлари томонидан, ҳам фуқаролар томонидан кўнгилдагидек эмаслиги аччиқ ҳақиқатдир. Хўш, нима қилмоқ керак? Қонунларнинг амал қилиниши юзасидан назоратни кучайтирмоқ керакми ёки уларни ҳар икки тоифага чуқурроқ тушунтирмоқ зарурми? Албатта, иккаласи ҳам даркор.

Унда қай бирдан бошламоқ керак? Қабул қилинган қонунлар таъсирсизлиги сабабларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни кўпчилик яхши тушунмайди. Оқи-

### ЭЛИШОНЧИ- МУҚАДДАС

**Муҳаммад-Бобур МАЛИКОВ,**  
Ўзбекистон ССР Адлия вазири

батда ўша қонунлар қуруқ шиорга айланиб қолаётир. Масалан «СССР халқ депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақида»ги СССР Қонуни лойиҳасини олайлик. Шу Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда кўпчилик фуқаролар фаол қатнашиб, айниқса, ҳуқуқшунос мутахассислар қимматли фикр мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Унинг 1-моддасида «СССР халқ депутатларини чақириб олиш асослари» кўрсатилган. «Сайловчиларнинг ёки жамоат ташкилотининг ишончини оқламаган, яъни депутатлик бурчларини бажармаган ёки СССР Конституцияси ҳамда СССР Қонунларини бузган СССР халқ депутати сайловчиларнинг ёки уни сайлаган жамоат ташкилотининг қарори билан ушбу қонунда белгилаб қўйилган тартибда чақириб олинishi мумкин» дейилади.

Маълумки, СССР халқ депутатими ёки Ўзбекистон ССР халқ депутати-ми, қайбири бўлишидан қатъий назар улар сайловга номзодларини қўйишганда сайловчиларга ўз дастурларини айтишганди. Хўш, дастурларнинг бажарилиши қай аҳволда? Улар ўз сайловчилари берган нақазларни қай даражада бажаришмоқда? Хуллас, улар сайловчиларининг ишончини оқлашмоқда-ми? Масалани шу тарзда қўядиган бўлсак, муаммонинг чигили бирмунча ечилади: депутат фаолияти яққол кўринади.

«Қишлоқ ҳақиқати» муштарийлари билан яқин кунларда бўладиган мусохабамиз қабул қилинган қонунларнинг жойларда қандай бажарилаётганлигини маълум даражада ойдинлаштиради.

### Тақдир тақозоси

**Ҳикматулла МАМАТОВ,**  
Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг  
кадрлар бўйича ўринбосари

«Поста», «На посту» рўзномамиз чиқа бошлаганидан бери милиция ходимлари ҳаётида юз бераётган қувончли ва мудҳиш воқеалар ҳақида муштарийларимизни баҳоли қудрат хабардор этишга имкон тугилди. Сўнгги беш йил ичида милиция ходими обрўси кўп ноҳақ тўкиб ташланди. Баъзи қаламкашлар эса ўрни бўлса, бўлмаса ҳам ўз мақолаларига ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимларини тикиштириб ёзишга ружу қўйишди.

Ашаддий жиноятчилар билан яккама якка олишиш милиция ходимига осонми? Утган 1990 йилда 6 нафар милиция ходими хизмат ва-зифасини бажариш чоғида қотиллар қўлида ҳалок бўлди. Уларнинг ҳам ширин орзулари, ҳаётдан умидлари кўп эди. 111 нафар

милиция ходими яраланиб, ногирон бўлиб қолди. Бундай мард йнгитлар милицияга мўмай бойлик ортиргани ёки сохта шухрат топгани киришмаганди. Балки улар сиз билан бизнинг энг буюк бойлигимиз — ҳаётимизни, тинчлигимизни ҳимоя қилиш учун тақдир



тақозоси билан шу соҳага ишга келишган.

Тўғри, ходимларимиз орасида ўз муқаддас шаънини оқламаётган, мансабпараст, манфаатпарастлари ҳам йўқ эмас. Уларни келган жойига қўйиб, қўйиб сиз билан бизнинг қатъий қароримизга боғлиқдир. Ҳозирча суҳбатимиз деб-часига шу ерда нуқта қўя турсак. Чунки кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, милиция ҳаётида юз бераётган қувончли ва нохуш воқеалар, ҳар биримизни тўлқинлантираётган жиддий муаммолар хусусида кейинги суҳбатимиз чоғида батафсил фикрлашамиз.

### ҚАЛБИДА ҚОЛДИ

**«ПАХТА ИШИ»  
ЖАБРДИДАСИ**

бахш этди. Ҳалол ишбилармон раҳбар, тадбиркор коммунист ҳар бир қадамида одамлар манфаатини ўйлаб, улар юрагига йўл топди. Биз «турғунлик йиллари» деб қоралаётган давларнинг ўзига хос адолатли, инсофу дёнәтли томонлари, шарафласа арзигулик ҳалолу пок ишлари кўп эди. Афсуски, биз ошкоралик эпкинида ҳаммасини қоринтириб юбордик. Камчиликини бўрттириб, ютуқларни ёлгонга йўлдик.

Акс ҳолда кўп нарса издан чиқиб кетади, гирролик юзага келади. — Уртоқ котиб, бизда сиз белгилаган режани удалаш имкони йўқ. Аммо, даламизда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосилимиз бор. Бугун бўлмаса, эртага эл-юрт олдига юзимиз ёруғ бўлади; — деди Эргаш ака. Саркотиб эса жаҳл ва зарда билан раисга ўшқирди: — Бу ерда мен хўжайинман! Айтган ишни бажармасанг бугундан бошлаб тўрт томонинг қибла!

Эргаш ака бўйин бермади. Эътиқодидан, сўздан қайтмади. Юқорининг махсус кўрсатмаси бўлмагунча хўжаликка райком тайинлаган бошқа биров раислик қилиб турди. Яхшики, инсофли, дёнәтли қасамига содиқ коммунистлар, партия раҳбарлари бор. Тўғриликни кўролмаган, ростликни буллаган, нопокликини ҳалоллик

деб жар солганлар бўлганидан кўз юзмаймиз. Бироқ ҳаммасини чалкаштириб, ҳалолни харомга, адолатни жиноятга, меҳнатни тўхматга алмаштирмаслик керак.

«Пахта иши» деб аталмиш тўфон ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Софдил кишилар турли чигирликлардан ўтказилиб, тўхмат гирдобига мубтало этилдилар. «Пахта иши» ниқо-би билан халққа қилинган бе-миннат хизмат елга созурилди. Эргаш Жумаевдек захматкаш деҳқон, тадбиркор раҳбар ҳам бу гирдобдан четда қолмади. Ҳалол меҳнати эвазига эришган Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг бронза, кумуш ва олтин медаллари, Ленин орденилари, Уроқ ва Болға олтин юлдузи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган пахтакор унвонлари ҳам қадрланмади. Уни ўз сингиган партиядан

ҳайдадилар. Уста пахтакор, захматкаш инсон тергов хоналарида узундан узоқ сўроқ берди. Қийин қистовларга дош беролмай қилмаган жиноятларига мажбуран «рози» бўлди. Охир-оқибат хизматга тўхмат бўлиб қамоқхоналарнинг зах ертўлаларинда ўтириб чиқди, юраги эзилди, беҳисоб орзулари армон бўлиб қолди. Адолатсизлик унинг ҳаёт йўлига сўнгги мудҳиш нуқта қўйди...

Йиллар ўтапти. Жумҳуриятимиз партия-хукуматининг сиёсати яхшилик сари ўзгариб бораётир. Сўнгги беш-олти йил мобайнида йўл қўйилган хатолар секинлик билан бўлса-да бирин-кетин тузатишмоқда. Ҳозирги ҳукуматимиз раҳбарларининг сайёи-ҳаракатлари билан социал адолат оёққа турмоқда. Тўхмат билан камситилган пахта жабрдийдалари оқланмоқда. Яқинда, Ўзбекистон ССР

Олий суди томонидан Эргаш Жумаев оиласига 4—31—91-сонли билдирини мактуби келди. Бу хатда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони батамом оқланганлиги, унинг барча ҳақ-ҳуқуқлари тикланганлиги таъкидланганди. Минг афсуски... Марҳум қабрига тупроқ тортилди. Юртимизда дафи маросимида айтиладиган бир илик, аммо юракни жумбушга келтирадиган икки жумла бор. Бу ҳақиқат қабристон узра шундай хитоб бўлади: — Халойиқ, Эргаш Жумаев қандай инсон эди! Атрофдагилардан акс-садо қайтади; — Эргаш ака фидойи инсон эди! Умрининг бундай хотима топиши, одамларнинг шундай меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиш осонми? Эргаш ака шу бахтга эришганлардан эди. Аммо бу бахт «десантчилар»нинг нобекорлиги туфайли «пахта иши» деб аталмиш тўфонда чил-парчин бўлди. **М. НОСИРОВ,**  
**А. МАМАДАМИНОВ.**

(«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1991 йил 11 апрель сонидан олинди).

# РЎЗНОМА

Ўтган жума эди. Эрталаб ишхонамга кетаётим, одагдагидек шу кунги рўзномалардан олиш учун бурилдим. Навбатим етгач, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Еш ленинчи», «Халқ сўзи» қатори «Постда» рўзномасини ҳам сўрадим.

— «Постда»ми? Қачон эди тугаб кетгани. Бизга бор-йўғи 15-20 дона беришади. Уни шу пайтнинг ўзида олиб кетишади.

Қизиқувчанлигим ошиб, навбатдаги дўконга бордим. У ерда ҳам тугабди. Қисқаси, шу кунги олти-саккиз жойни қараб кўрдим. Лекин бу нашрни харид қилолмадим. Ҳамма ерда бир хил жавоб: «15-20 дона қабул қиламиз шу заҳоти сотиб бўламиз».

Рўзномани топа олмагач, одамларнинг фикрини билишга қизиқдим.

— Олий билимгоҳ толибиман. Биласиз, толиблар янгиликка ўч халқ. Шунинг учун кундалик нашрларни иложи борича ўқиб бораман. Хафа бўлманг-у, рўзномада милиция ҳақида ошқора фикр билдирилмапти. Назаримда унинг саҳифаларини кўпроқ мақтов эгаллаб олапти.

— Унчалик тўғри эмас. — дея гапга аралашди яна бир йигит. — Нотўғри ҳатти-ҳаракат қилаётган милиционерлар тўғрисида ҳам мақолалар берилаётир. Масалан, унинг 9-сонида кайфи ошиб қолиб, хизмат тўппончасидан ўқ узиб, бекордан-бекорга одамларнинг ҳаловатини бузган милиция майори ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Унга қандай жазо берилгани ҳақида ёзилса, яхши бўларди.

— Энди булар фақат хабарда. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётганлар орасида ҳам қўпол хато қилаётганлар топилади, албатта. «Адолат посбониман» деб, кўкрагига уриб юрган ана шундай нопок шахслар тўғрисида одилона ёзилган мақолалар ҳам бериб борилса, жуда яхши бўларди. Ушанда рўзнома халқ меҳрини қозонарди.

— Мен, иқтисодчиман. Илмий-тектириш институтида ишламан. Очгини айтсам, «Постда» рўзномасини харид қилишга қўқиб қолдим. Унда фақат фалончи писмадончини бўғизлабди, машина билан босиб ўлдириб кетибди, отиб кетди, талон-тарож қилишди каби хабарлар берилапти. Уларни ўқиган одам даҳшатга тушади. Илк сонлари билан танишиб чиққач, тўғриси 1-2 кун ҳатто уйқум келмади. Ваҳимали гапларни ўқийвергач, одамнинг хаёли қочаркан-да. Нима бало, ҳаммаёқни жиноятчи босиб кетганим, деб.

— Мен ҳам сизнинг фикрингизга қўшиламан. Масалан, бирор шўринг қурғур касалхонага тушиб қолди, унинг дарди тузалмас ҳам дейлик. Буни дехтирлар яхши билади. Лекин инсофи бор шифокор ҳеч қачон беморга сенинг касаллиг унақа-бунақа демайди. Аксинча, дарднингиз ваҳима қиладиган даражада эмас, яқинда ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, тузалиб кетасиз, ҳали яхши кунларингиз олдинда, деб далда беради. Худо кўрсатмасин, агар врач фаросатсизлик қилиб, касалингиз шундай-шундай дейдиган бўлса, у бечора руҳан эзилб тамом бўлади.

Мен нима демоқчиман. Фақат жиноятларни ёзавермасдан, милициядаги яхши ишлар, жонкуяр ходимлар ҳақида ҳам мақолалар берилса. Ахир, олийжаноб, халқ меҳрига сазовор бўлган милиционерлар ҳам кўп-кў! Қовун қовунини кўриб ранг олади деганларидек, кўнглида кири бор, ўз манфаатини ўйлайдиган ходим-

лар зора ана шундай фидойи, номига муносиб ошо-йишталик посбонларидан ибрат олсалар, уларга эргашсалар.

— Хоразмдан Рўздат Божононовман. Шифокорман. Малака оширишга келгандик, бу рўзноманинг чиқишини шу ерда билдим. Ҳафтадан бери ўқияман. Ўғри, товламачиларнинг исм-шарифи билан бериб тўғри қилинапти. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта. Уларни кўпроқ бериш керак.

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳозир кўпчиликнинг милициядан кўнгли қолган. Менми? Шофёрман. Исм-шарифимни ёзмай қўя қолинг. Милициядан кўрқаман. Битта-яримтаси бизни ёмонлабсан, деб осилиб олиши турган гап.

Тўғри, софдил, виждонан ўз бурчини бажарадиганлари ҳам анчагина. Лекин қўпол қилиб айтганда, подани битта тирриқ булгайди. Ҳалол ишлайдиганларнинг номини мана шундай 1-2 нафси бузуқлар лойга чаплаб ташлайди. Яқинда шундайлардан биттаси тўхтатди.

## ТУГАБ

Йўл қондасини қўпол равишда буздинг, машинанг носоз деган бир қанча важларни айтиб, ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйдим. У десам бу дейди, бу десам у дейди. Ишонинг ука, ўша кун машина ҳам соз, ҳеч қандай қондани ҳам бузганим йўқ эди.

Мана янги рўзнома чиқди. Бу яхши. Сизлардан илтимос, қандайдир бир йўлини қилиб, оператив гуруҳ тузибми, ўшандайларни ушлаб, боплаб ёзиб чиқсанлар, улар ишдан ҳайдалса, зўр иш бўларди-да.

— Наргиза Ўлжаева, ўрта мактаб ўқитувчисман. Мени бир нарса ажаблантиради. Кейинги даврда жумҳуриятимизда, айниқса Тошкентда дайдилар кўпайиб кетмоқда.

Айтишларича, шаҳримизда содир бўлаётган жиноятларнинг каттагина қисмини ана шулар қилаётганмиш. Бу ҳақда ойнома ва рўзномаларда куюнчаклик билан ёзилаётир. «Постда» да ҳам шундай хабарларни ўқиб турибман. Ҳатто буздан милиция ходимлари ҳам ташвишда экан. Яқинда «Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган Самарқанд тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Примқуловнинг мақоласига кўзим тушди. Адашмасам унда шунда ёзилган: «Жиноятларнинг кўпи дайдилар чекига тушмоқда. Уларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисидан тузилган ва илгари судланган бўлиб чиқади. Учаска инспекторлари ўтган йил 40 нафарга яқин ана шундай саёқларни, 200 дан зиёд паспорт режимини бузганларни аниқладилар. Биргина туманда шунчалик бўлса, даҳшат-ку! Наҳотки, уларга қарши курашиб бўлмаса? Тарихдан маълумки Амир Темуру замонида ҳам бундай кимсалар мамлакат ичкарисига қўйилмаган. Ахир, биз ҳар томонлама техникаси ривожланган замонда яшаймиз-ку? Менинча қонун чиқарувчи идораларимиз олдинга ана шу масала қўйилиши шарт. Токи, эгри қўл, нияти бузуқларнинг «дайд»и қиёфасида жумҳуриятимизга оқиб келиши тўхтатилмагунча курашиш керак. Бу ишда «Постда» рўзномаси ҳаммага ўрнатилган кўрсатиши лозим.

— Мавжуда Холматова, журналистман. Рўзноманинг чиқиши бизни қувонтирди. Бу нашр халқнинг севишли рўзномаси бўлиб қолиши керак. Аммо, очгини айтиш лозим, айрим мақолаларда дағаллик йўққа ўхшаб қоляпти. Сабабми? Яқиндаги сонларда иккита хабарни

ўқиб қолдим. Биринчисида, корхонадан ташмачилик қилаётган шахслар ҳақида ҳикоя қилинган. Улар давлатга 30 сўмлик зарар келтирибди. Иккинчисида, алоҳида жиноятчи гуруҳ қўлга тушгани ва 30 минг сўмдан зиёдроқ нарҳдаги халқ мулкини талон-тарож қилиб юборишгани ҳақида гап боради. Қизиги шундаки, ташмачиларнинг исм-шарифи рўй-рост ёзилган, иккинчи хабарда эса жуда катта ўғирлик қилганларнинг фақат бош ҳарфларигина берилган. Бу эса «Камбағалини туянинг устида ҳам ит қопади», деган мақолни эслатади.

Тўғри, суд ҳукми чиқмагунча айбдорларнинг ҳақиқий исм-шарифи айтилмайди. Лекин шу пайтгача катта-катта жиноят қилган, давлатга минглаб сўм зарар етказган кимсаларнинг аниқ башараси кўрсатиб ёзилган мақолаларни кўрмадим. Истардимки, шу томонларга эътибор берсаларингиз.

— Мен ҳам ҳамкасбимизман. Мавжудахоннинг фикрига қўшимча қилмоқчиман. Биласизми, илгари ҳамма милиционерларга катта ҳурмат билан қарарди. Ҳозир эса аксинча. Бунинг сабаби кўп. Камчилигу нуқсонлар ҳақида ҳар кунги гапириляпти. Мен эътиборни бошқа томонга қаратмоқчиман.

«Постда» рўзномаси ички ишлар ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги мустақам алоқани тиклаши, бошқача айтганда, милиция ва жамоатчилик орасидаги кўприк вазифасини ўташи шарт. Бунинг учун эса ошқора руҳда дадиллик билан ёзилган мақолаларни кўлаб чоп этиш лозим бўлади. Эшитишимча рўзномаларингизда бор-йўғи беш нафаргина иккити халқни ишларкан. Тўғри-ми? Демак, адашмабман. Очиги анчагина тер тўкишларингизга тўғри келаркан. Чунки ҳафтада уч марта рўзнома чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

## ҚОЛИБДИ

СЎНГСЎЗ: Олдинга бир-бирига зид фикрларни саҳифага олиб чиқиш керакми-кан, деб ўйладим. Керакми-на эмас, шарт деган қарор қелдим. Мақсадга кўчишдан олдин оташқалб шоир Чўлпоннинг барчага маълум ва машҳур мана бу сатрларини яна бир бор ёдга олайлик:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исбидир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтатсин.

Қувват йўқ, ким халқ истагин йўқ этсин.

Энди мени тушунгандир-сиз. Қани айтгинчи, жамоатчилик фикри билан қизиқмаган, халқ истагини эътиборга олмаган қайси нашр ўзини оқлади, меҳрга тушди? Ҳеч бири. Илоҳим, «Постда» сизнинг ишончингизни қозонсин.

Азиз ўқувчи! Битта милиционер ёмон бўлса, ҳаммаси ҳам унга ўхшаб қолмайди. Яхшилари ҳам анчагина. Энг муҳими, улар сизнинг қўриқчингиз. Милиционерлардан ноҳақ жабр кўрган, қийиқдан ташқари ҳатти-ҳаракатини сезган бўлсангиз қўл силтаб, барчаси шу-да, деманг. Ҳақиқатнинг тағига етман, деб ният қилсангиз, тахририятимизга биланларингизни аниқ ва лўнда қилиб ёзиб юборинг. Ҳар бир хабар пухта текширилиб, айбдорлар жавоб беради. Ушанда сиз ёмонларнинг кайиб, яхшилари кўпайишига ҳисса қўшган бўласиз.

Дўконларга рўзноманинг жуда кам нусхада чиқарилаётгани хусусида эса Алоқа вазирлигидаги мутасадди раҳбарлар билан келишиб, ижобий ҳал етамиз, деган ният бор.

Мўмин МИРЗО.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Анъанавий миллий байрам — «Рўза ҳайити» муносабати билан ва меҳнатқашларнинг кўпдан-кўп талаб-истакларини эътиборга олиб:

1. Республика фуқароларига 1991 йилнинг 16 апрелида уларнинг хоҳишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касба уюшмалари комитетлари билан келишган ҳолда бу кунни кейинчалик ишлаб беришга рухсат этилсин.

2. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари мазкур фармоннинг биринчи банди бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент, шаҳри,  
1991 йил 11 апрель.

## ТУРМУШ САВОҚЛАРИ

# ЭСИ КИРИБ ҚОЛАРМИШ

Бойназарнинг ичига чироқ ёқса ёришмас, бирин-кетин дунёдан бемаврид кетган фарзандлари доғида ўртанарди. Бунга гўё хотини Сотимжон айбдордек икки гапининг бирини уни сўкади. Йиллар ўтди. Хотини яна ўғил туғди. Унга Эркавой деб исм қўйишди. Эркавойнинг тили бийрон пайтлари эди. Бир кун Сотим ая ўчоқ бошида куймаланаётганда кимдир этагини тортиқилади, қараса ўғилчиси. Кутилмаганда «Ху, онангни...» деб сўқди. Сабзи тўғраётган Бойназар эса қаҳ-қаҳ отиб кулди. Онанинг авзойи бузилганини кўрган Эркавой қочиб адасининг пинжиги беркинди. Яна йиллар ўтди. Ота ўғлини етлаб бозорга борди. Чиройли кабутарларни кўрган Эркавой «олиб берасиз», деб хархаша қила бошлади. Айтганини қилдирди. Отаси ўғлига кабутар эмас, турганбитгани жанжал сотиб олганлигини кейин билди. Эркавой томма-том, дупур-дупур сакраб кўпчиликнинг ҳаловатини бузди. Қўни-қўшнининг арз-додидан Бойназарнинг қулоғи тинчимай қолди. Ниҳоят бир амаллаб қушларни йўқотди.

Эркавой мактабни амал-тақал қилиб араг битирди. Аммо тенгқурларига ўхшаб на ўқишни, на ишлашни хаёлига келтирди. Унга ўхшаш уч-тўрт бекорчиларни топиб олди-ю, алламаҳалгача кўча тенгқуларини одат қилди. Илгари бир-икки одамдан ҳайиққан бўлса, энди ҳеч кимдан тап-тортмасди.

Баҳор фасли Эркавой навбатдаги санғишдан келайтиб варрак учираётган болаларни кўрди. Қизиқиб, бирининг варрагини олиб учира бошлади. Ипини қаттиқ тортган эди, варрак қўшни уйининг томига йиқилди.

— Парво қилма, ҳозир олиб бераман, — дедию дарахта тирмашиб томга чиқди.

Икки кун ўтиб қўйган жала Донохон аянинг тинчини буз-

ди. Уйдан чакка ўтиб, уй девори ўпирилиб тушди. Ая оғирлик қилди, индамади.

Бу воқеадан уч-тўрт ой ўтгач, Донохон ая қўшни ҳовлидан Эркавойнинг онасини бўралаб сўкаётганини эшитиб қулоқларига ишонмади. Ўғил эса тобора авжига чиқарди. Донохон ая чидаб туролмади.

— Онангни сўкапсан-а, уят эмасми, болам...

Аммо унинг гапи бўғизда қолди.

— Бор, бор! Насиҳатингни болаларингга қил, — удағайлади Эркавой.

Бир неча кун ўтиб ая Сотимхонга ўғлининг шу пайтгача кўрсатган қилиқлари-ю, етказган зарарлари ҳақида гапирди.

— Э-ҳа, — деди Сотимхон, — ўғлимга нисбатан шунча гаразингиз бор экан, билмай юрган эканмиз.

— Гаразим бўлганида, милицияга берардим. Сизга азбаройи ачинганимдан гапиряман. Бугун бўралаб сўкса, эртага урмайди, деб ким айтади. Копток тепиб, ойна синдирди, томга чиқиб, том тешди, бирор марта даъво қилиб чиқдимми? Энди бунақаси кетмайди. Андишанинг оти кўрқоқ бўлди!

Донохон ая «эс-сиз гап» деб кетишга чоғланди. Сотимхон тўхтатди.

— Қўйинг, ҳафа бўлманг. Эркамиз шунақа эрқароқ ўсганда. Ҳали мен экан-ку, адасиниям сўкади-ку... Энди ўн еттига чиқди. Ҳали ёш, эси кириб қолар.

Тарбия кўрган бола ота-онасига иззату ҳурмат келтиради, деб халқимиз бежиз айтмаган. Эси кириб қолар эмиш, кеч эмасмикан...

Бола бошидан, деган гап бор. Энди эс кириши гумондир-ов. Донохон ая шулар ҳақида ўйлар экан йиқилган деворига ғалати қараб қўйди.

Х. МУЙДИНОВ,  
милиция старшиниси.



Пойтахт иллати Урта Чирчиқ тумани участка инспектори Акрам Комилов ўзи мулоқотда бўладиган Калинин, Муқимий Островский, Весна кўчалари аҳолиси ўртасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида сезиларли ишларини амалга оширмоқда.

Суратда: Милиция лейтенанти Акрам Комилов фаоллар даврасида.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурати.

### НИҚОБ КИЙГАН БОСҚИНЧИЛАР

Янги йил арафасида Қамаш туманининг Гулшан қишлоғидаги хонадонлардан бирига беш нафар қуролланган кимсалар бостириб кирди. Ниқоб кийиб олган товламачилар уй эгаларини ўлдирамиз, дея қўриқтиб, 6000 сўм пул ва турли хил қимматбаҳо кийим-кечакларни олиб кеттиди.

Босқинчиларнинг ҳаммаси ниқоб кийиб олгани ишни қийинлаштирарди. Лекин милиция ходимлари ҳам бўш келмади. Ҳар бир ҳодиса синчиклаб кузатилади. Кўплаб одамлар сўроқ қилинди. Бу ишлар бекор кетмади. Натияжада жиноятчилар тез орада қўлга олинди.

Мустафо исмли кимса бошлиқ бўлган гуруҳга 10 нафардан ортиқ жиноятчилар бириккан экан. Суриштирув чоғида уларнинг беш йилдан бери Қамаш, Деҳқонобод, Ғузор туманларида йнгирмага яқин босқинчилик қилганлиги аниқланди. Жиноятчилар гуруҳи ана шу давр ичида фуқароларга қарийб 100 минг сўмга яқин зиён етказганлар.

А. МУМИНОВ.



Оржоникидзе тумани ИИБ ДАН бўлими ходимлари — милиция катта лейтенантлари Тоир Эшматов, Бобир Тўғонов, милиция кичик сержанти Фарҳод Жўраевлар Қибрай посёлкаси ДАН постида навбатчилик қилишарди. Бирдан рақия орқали Чирчиқдан хабар олинди. Номаълум шахс давлат рақами И 32-41 ТН «ВАЗ-2107» белгили автомашинани олиб қочганини ва машина бу ердан ўтиб қолиши мумкинлигини эшитган взвод командири Бобир Тўғонов Фарҳод Жўраевга юзланиб:

«Хушёрликни оширинг. Мана бу рақамли «Жигули»ни ўтказиб юборманг, деб тайинлади. Ана, ўтиб кетди, — деди Фарҳод. Дарҳол ДАН ходимлари хизмат машиналарига ўтирдилар-у, газни босдилар. Ўғри ТТЗдаги ДАН пости йўли ёпиқлигини кўриб, чап томонга — Тузел қишлоғига машинани бурди. Ойнадан таъқиб этиб келаётган формадагиларни кўриб, қаёққа қараб ҳаракат қилишни билмай қолди. Кўзини чирт юмди-да, Қорасув даҳасига машина рулини бурди. Кутилмаганда... Тўрт оёқли тойчоқ бетон деворга бориб урилди. Қўрқув ва ҳаяжон уни қамраб олди. Кабинадан

Ички ишлар бўлимининг иш фаолияти «Навбатчилар хонаси»дан бошланади. Ҳақ гап. Негаки, бу ерда кунни тунга улаб, минжақа қоқмай келаётган оддий милиция ходимидан офицергача, ҳамма-ҳамма ҳаммиша ўз ўрнида ҳушёр турарди.

Бу ерда постда турганлар доимо ҳаракатда. Бирор бир дақиқа ҳам тин олишнинг имкони йўқ: навбатчиларнинг бири қўйиб, иккинчиси арага келган кишилар сўзларини тинглашяпти, телефон орқали хабарларни қабул қилишмоқда.

Хонадаги телефонлардан бири жиринглаб қолди. Дастакдан хотин кишининг ҳаяжонланган овози эшитиларди:

— Алло, алло «Янги марказ» ўрамидан гапиряман. Бир безори жуда маст ҳолда аҳолига таҳдид соляпти. Унинг қўлида граната ҳам бор. Тезроқ этиб келмасангизлар, кеч бўлиши мумкин.

— Жуда яхши, ҳозирроқ этиб борамиз, хушёр бўлинглар, унга яқинлашманглар, — деди навбатчи милиционер дастакни жойига қўйarkan.

Оператив гуруҳ айтилган жойга зудлик билан этиб келди. Вазият ҳақиқатдан ҳам таҳликали эди, ўйлаб иш қилишни тақозо этарди. Чиндан ҳам «Янги марказ» ўрамидаги 3-уйнинг 12-хонадонида истиқомат қилувчи П. Шейин қўлидаги жанговар граната билан кишиларга таҳдид солар, бақириб-чақирар, ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди.

Нима қилиш керак? Уни қуролсизлантиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Негаки, милиция ходимлари яқин-

лашиши билан П. Шейиннинг вазоҳати ошарди. Бирор бир чора-тадбир ўйлаб топилмаса, фожиа юз бериши аниқ. Оператив гуруҳнинг бўлимдан қўшимча кучлар чақириви ҳам фойда бермади.

«Янги марказ» ўрами бўйича участка инспектори, милиция лейтенанти Нурмурод Турсунов ўша кунни уйига тушликка келганди. Турмуш ўртоғи Раъно дастурхонга ул-бул қўйarkan, ҳозиргина эшитган воқеани эридан сир тута олмади.

— Дадаси, қўшни уйда турувчи П. Шейин маст ҳолда қўлида граната билан уйни портлатаман, дея таҳдид солаётганмиш, — деб қолди.

Бу хабарни эшитиб, Нурмурод салчиб ўрнидан турди ва кийимларини кийиб, ўша жойга югурди. У одамларни Шейинга сездирмасдан уй-уйларига тарқалишларига ундади. Шу топда кутилмаган воқеа содир бўлди. Шейин орқасига тисарилиб, хонадонига кирди ва унинг эшигини ичкарасидан қулфлаб олиб, калитни ўрнида қолдирди. Бу жуда хавфли эди.

Шунда Нурмурод Турсунов навбатчи милиционерни йўлак олдида қолдириб, ўзи сержант Одижон Саидов, дружиначи Шўҳрат Шаронов билан Шейин яшаётган уйнинг деразасига яқинлашди. Нурмурод нафасини ростлагач, деразани секингина очиб, хонага тушди. Шу залда ҳамроҳлари ҳам унга эр-

## «ҚЎЛГА ОЛИШ» ОПЕРАЦИЯСИ

бир амаллаб чиқди-да, дуч келган томонга қоча бошлади. ДАН ходимлари уни ушлаб, туман ИИБга олиб келишди. Бошлиқнинг оператив ишлар бўйича ўринбосари Афанасий Ким саволига қарашлари уқининг боласини эслатадиган Б. бамайлихотир жавоб берарди.

— Армиядан келганимдан бўён ҳеч ишим юришмади, омад мени тарк этди, — дейди Б. — Пулга муҳтожман, унинг устига уйимиздаги машинага запчастлар керак.

Қизиқ, пулга муҳтож одамнинг оғзи тўла тилла тиш бўладими? Унинг устига Б.нинг бармоқларидан бирини қимматбаҳо узук безаб турарди.

«Қаҳрамонимиз»га бўлган эътиборни шу ерда тўхта-тайлик-да, машинанинг ҳақиқий эгаси ҳарбий хизматчи Сергей Балаян билан суҳбатлашайлик.

— Чирчиқнинг автосервисларидан бирида бу воқеа содир бўлди, — дейди у. — Кўзимга чет элликларнинг машинаси олов бўлиб кўришиб кетди. Машинамдан тушим-у, унинг ёнига бордим. Автомобилга маҳлиё бўлиб, беш-ўн минут унинг атрофини айландим. Кейин... Устага учрашаман деб, бундоқ қарасам... Машинам қолдирган жойимда йўқ. Дарҳол ИИБга мурожаат қилдим. Барака топкурлар 2 соатдан кейин «тойчоғим» топилганлигини менга маълум қилишди.

Мен ўнг қаноти бетон деворга урилган «ВАЗ-2107»нинг суратини олар эканман, унинг атрофида гирди-капалак бўлиб юрган милиция формасидаги кишиларга эътиборимни қаратдим. Чирчиқ шаҳар ИИБ ходимла-




ри — тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Мўминбек Канмов, эксперт, милиция старшинаси Саидвали Иноғомов ўғирланган машинанинг уёқ-буёғини кўздан кечирардилар.

Улар «Қўлга олиш» операциясини муваффақиятли тугатишди. Чирчиқ шаҳар ИИБ навбатчиси, милиция катта лейтенанти Константин Рублев ва ЖҚБ ходими, милиция лейтенанти Дилмурод Абдурасуловнинг ҳам муносиб улушлари бор эканлини менга гапириб беришди.

1991 йилнинг 6 мартида машина ўғирлаган Б. устидан тергов давом этапти. У ва унинг ҳамтовоқлари яқин ўртада суд олдида жавоб беришади.

### ҲАБИБ ШУКУР.

СУРАТЛАРДА: 1. Олиб қочилган машина. 2. Эксперт С. Иноғомов. 3. Бировлар машинасига ишқибоз Б. Муаллиф олган суратлар.



Болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг юқори даражада эканлиги ДАН ходимларидан мактаб жамоалари билан қалин ҳамкорликда ишлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда кўп жойларда ўқувчиларни йўл интизомига ўргатиш ишларини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда.

СУРАТДА: Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани ИИБ ДАН ходими, милиция катта лейтенанти Қ. Собиров ёш велосипедчига қондан тўшунтирмоқда.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

### БОЛАЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Чилонзор тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига қарашли 2-марказлаштирилган соқчилик пулти ходимлари тунги соат 1.30 ларда объектларни айланиб юраркан, катта халтани базур кўтариб кетаётган фуқарони кўриб қолишди. Текшириш, суриштириш чоғида халтадаги 10 килограмм картошка, 10 кило қиём 346-сонли болалар богчасининг ошхонасидан ўғирланганлиги маълум бўлди.

25 ёшли фуқаро О. Асоичевнинг афтидан фарзандлари болалар богчасида овқатланишмайди, шекилли.

М. МИРАҲМЕДОВ.

## ЖАСОРАТ

Энг ҳаяжонли дамлар бошланди. Шейин қўлидаги гранатани маҳкам ушлаганича эшикнинг очилишини пойлаб, ўзининг шум ниятини амалга оширишга шай эди. Ўйламай ташланган қадам, эҳтиётсизлик анча қимматга тушиши аниқ эди. Вақт эса ўтиб борапти. Ҳаёт билан ўлим атиги бир қадам. Нурмурод шитоб билан ўзини Шейиннинг устига ташлади, унинг гранатали қўлини маҳкам ушлаганича орқага қайирди. Сержант Одижон Саидов ва дружи-

номли кўчасида истиқомат қилувчи, шаҳар газлаштириш идораси ишчиси Абдулла Тўраев дружиначи Файзулла Мардоновга пичоқ билан ташланганида, милиция лейтенанти Н. Турсунов безорини қуролсизлантирди. Бу қилмиши учун Абдулла Тўраев Ўзбекистон ССЖ жиноят кодекси 210-моддасига асосан 2 йил озодликдан маҳрум этилди.

Еки Гоголь кўчасининг 71-уйида истиқомат қилувчи Рамазон Бурҳоновнинг уйига ўғирликка тушган Эркин Хўжаевнинг югургани узоққа бормади. Нурмуроднинг тадбиркорлиги туфайли тезда қўлга олинди. У қилмишига яраша 4 йил қамоқ жазоси олди.

Участка вакили Н. Турсуновнинг ҳушёрлиги туфайли 1989 йилнинг 29 октябрга ўтар кечаси Каттақўрғон шаҳар меҳмонхонасида гиёҳвандлар қўлга туширилди. Татаристон жумҳуриятининг пойтахти — Қозон шаҳридан келган Игорь Чугунов ва Каттақўрғон туманида истиқомат қилувчи Татьяна Старухиналар 3,1 грамм наша билан қўлга туширилиб, қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Яқинда шаҳар ички ишлар бўлими раҳбарлиги Н. Турсуновни масъулиятли вазифага — балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекцияга ўтказишди.

Ишончим комилки, милиция лейтенанти Нурмурод Турсунов бу ерда ҳам намуна кўрсатиб хизмат қилади.

Ғайратжон ШУКУРОВ, Каттақўрғон тумани «Зарафшон» рўзномаси бўлим мудир.


начи Шўҳрат Шароповлар ҳам унга кўмакка келдилар. Шейин қуролсизлантирилди.

Шаҳар автобус-таксомотор паркни ҳайдовчиси Павел Шейин бу қилмишига яраша Ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуасининг 210-моддаси II-қисми билан икки йил озодликдан маҳрум этилди.

Ўз иш фаолиятини оддий милиционер-шофёрликдан бошлаган Н. Турсунов 1983 йил Тошкент олий милиция мактабига ўқишга кириб, уни 1987 йил муваффақиятли тугаллагач, Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимида ишлаб келмоқда.

Н. Турсунов жамоат тартибини сақлаш ва мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг жамоатчилик мададига таянган ҳолда профилактиктушуунтириш ишлари олиб бораётир. Унинг фаолиятида кўз-кўз қиладиган аризулик воқеалар кўп. Жумладан, шаҳарнинг Ленин

# ТИЛ ВА ДИЛ



Умри оқар сувга қиёс этадилар. Бу бежиз эмас. «Ўзбекистон ССЖда Давлат тили тўғрисида» қонунининг қабул қилинган вақти ҳам ҳаш-паш дегунча икки йилга яқинлашиб қолибди. Вақт шитоб билан ўтиб бормоқда. Афсуски, тил ҳақидаги қонунининг амалда бажарилишидан ҳамма ҳам қониқайтгани йўқ. Милиция капитани Турғун Расуловнинг куюнчақлик билан ёзганлари бунинг исботи.

Энди мана бу тасвирларга эътибор беринг... Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилиш маросимига келганлар ардоқли шоир пойига чексиз ҳурмат маъносида гуллар қўйдилар. Гулчамбарлар тасмасидаги ёзувлар сураткаш муҳбиримизнинг эътиборини тортгани учун уларнинг тасвирини олиб келибди. Биргалашиб ўқиш ва ўқишга ҳаракат қиламиз. «Давлат мукофотлари комитасидан», «жумҳурият ва тошкент шаҳар ветеранлар ченгаши но-

мидан». Биз-ку бу калималарни бир амаллаб тушуниб олдик. Аммо ҳазрат Навоий руҳининг назари унга тушса, қай ҳолга келаркан!

Ундаги суратларда Тошкент темир йўлининг «Шимолий» шоҳбекати рўпарасидаги дарахтга миҳланган кўрсаткич ва Ленин тумани Давлат банки биноси тепасидаги «тантанавор» сўз акс эттирилган.

Тил ҳақидаги қонунининг қабул қилинганига икки йилча бўлиб қолганлигини бекорга келтирмадик. Агар ишимиз шу тариха давом этаверса, бизга берилган катта муддат — саккиз йилда ҳам ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Ёзувимиздаги кўпол хатолар нафақат тилга, балки бутун бошли халққа ҳурматсизликдир.

А. ТИЛОВОВ.

Суратларни Маҳкам ҲАКИМОВ ва Ҳабибулла Шодиев олишган.

# ТЕМИР САНДИҚ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ

Халқ орасида қайта қуриш деган ибората ўзгача муносабатда бўладиган кишилар ҳам йўқ эмас. Негаки, бозор иқтисодиёти ҳам ана шу қайта қуриш сиёсатининг давоми сифатида турмуш тарзимизга кириб келди. Нарх-навоининг бирданга шиддат билан ўсиб кетиши ҳамюртларимиз эътирозига сабаб бўлаётир.

Лекин қайта қуришни шу жиҳатдангина қоралаб қўйиш нисофдан эмас. У бизга энг аввало ўзлимизни, она тилимизни, азалий урф-одатларимизни, азиз қадриятларимизни қайтариб берди. Айниқса, она тилимизга янгича ҳурмат-эътиборининг вужудга келтирилиши ҳаммасидан ҳам муҳимроқдир. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани қонун билан мустаҳкамланди.

Лекин биз ана шу имкониятдан унумли фойдаланаял-мизми! Қонунни амалга ошириш борасидаги бирор амалий ҳаракатимиз билан мақтана оламизми! Афсуски...

Биргина милиция соҳасини олиб кўрайлик. Турғунлик йилларида, ҳамкасбларим яхши хотирлашади, ишга қабул қилиш жараёнида номзод рус тилини билиш-билмаслиги, албатта, эътиборга олинарди. Ўзга тилда эркин гапиролма-

ганлигимиз учун кўп дақиқ эшитганмиз, мажлисларда саводсиз, деб танбеҳ берилган, тайёрлаб келган ҳужжатларимиздан бир-икки хатоларини топиб олиб, бир зумда қора сиеҳ тортишган.

Лекин турғунлик давридаги ўша иллатлардан ҳали ҳануз фориг бўлганмизмизча йўқ. Ички ишлар бошқармаларида, бўлим ва бўлимчаларида, котибиятларида айтарли ҳеч иш қилимаяпти. Давлат тили ҳақидаги қонун, қисқа қилиб айтганда, кўрнимас катта темир сандикдан ташқарига чиқмаяпти.

Азиз ҳамкасблар, биз қонунларнинг ижросини бўлатуриб, нега бу борада амалий ҳаракат қилишни пайсалга солапмиз! Ҳеч бўлмаса ўтган авлодлар руҳини шод этиш, келажак ворисларимиз учун соғлом муҳит яратиш мақсадида ҳам бу ишни тезлаштиришимиз керак-ку! Биз бу борада изчилроқ бўлишимиз, юқори поғонада турувчи раҳбарларимиз эса тўғри тушуниб, хайрихоҳлик қилишлари зарур.

Турғун РАСУЛОВ,  
Тошкент шаҳар Киров тумани Кенгаши депутати, катта участка вакили, милиция капитани.




Эндигина униб чиққан бугдой майсанини кўриб, кўзингиз қувонган дақиқалар кўп бўлган. Орадан бир муңча вақт ўтгач, уни момоларимизнинг меҳнати туфайли минг дарага даво бўладиган таомга айланишини ҳам биласиз. Ана шундай лазиз ва суюкли неъматни 72 баҳорни қаршилаган учқўрғонлик Саломат ая Тожибоева 21 йилдан бериб тайёрлаб, қариндош-уруғ ва қўн-қўшинларига улашиб келади.

Нуроний онахон табаррук қўллари билан сумалак тарқатаётганда, одамлар уни илоҳим Сизнинг эшингизга етайлик, дея тановул қилишади, сумалак сузилган идишни синаб кўзларига суртишади.

Бу йил баҳорда эса Саломатхон аяга Наврўз айёминини «Ниҳол» сиҳатгоҳида ҳордиқ чиқараётган пайтида кутишга тўғри келди. У киши йиғирма биринчи сумалагини шу ерда пишириб, сиҳатгоҳдагилар кўнглини тоғдек кўтарди. Уларни биллиб-билмаган ҳолда уларга ҳам маънавий, ҳам jisмоний соғлиқ ато этдилар.

СУРАТЛАРДА: Саломатхон аяни ўчоқ бошида кўриб турибсиз; бугдой майсалари.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.



# САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕР

Ассалому алайкум, рўзнамасевар қадронларим!

Икки-уч ҳафта бўлди, сизлар билан отамлашолмай қолдим. Сабаби — Фарғона вилоятида хизматсафариди эдим.

Таассуротлар қандай, дейсизми? Зўр. Ҳозир бир бошидан гапириб бераман.

Ленинград тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти Мирзажон Мирзахамдамовнинг иш хонасига кирсам, суврати девдай бир йиғит билан суҳбатлашиб ўтирган экан.

Ўша йиғит денг, худди хўжандлик қизиқчи Хожибой Тожибоевга ўхшаб мендан сўраб қолди.

— Мени танимадинг-а?  
— Йўқ, танимадим.  
— Шунақада. Танимайсанда. Сенинг беш-олтита мақолангни ўқиганман, тушундингми? Тошкентда яшайсан, бу ерда мендай жигаринг борлигини қаёқдан ҳам билардинг. Тагин жигар деганимга ҳайрон бўлма. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, ҳаммамиз ҳам Одам Ато ва Момо Ҳаволардан тарқаганмиз, томиримиз бир, иним.

— Хўш, «томирдош», мақсад нима? — сўрайман унинг муддасига тушунмай.  
— Мақсадимми, мелисани газетида ишлайсан. Мени ноҳақ айблашайпти, билдингми? Ердам бер.

Кейин терговчи у билан мени яқиндан таништирди.

Маълум бўлишча, 5 октябрдан 6 октябрга ўтар кечаси Султанонод қишлоғидаги 1-дўконнинг эшигидаги қулф синдирилиб, 3 минг сўмлик ҳар хил газламалар ўғирлаб кетилди. ИИБда бошлиқнинг оператив ишлар бўйича ўринбосари, милиция капитани Алимқул Мамат-

қулов раҳбарлигида опергурӯх тузилди.

Лекин изкуварлар бирор натижага эришмай туриб иккинчи ўғирлик содир бўлди. 10 октябрдан 11 октябрга ўтар кечаси Найман қишлоғидаги 19-дўкон эшиги бузилиб, 25 минг 621 сўмлик газлама ўмарилди. 16 октябр кун эса номаълум кишилар яна кўпчиликни доғда қилдиришди. Кўрбозор қишлоғидаги 3-дўкондан ҳеч кимга билдирмай 2 минг 250 сўмлик мол ташиб кетилди. 17 октябр кун эса Ботирхўжа қишлоғидаги 32-дўкон қулфи бузилди. Унинг мудури 16 минг сўмлик газлама гўмдон қилинганини кўриб, «чапак чалиб» қолаверди.

Опергурӯх қанча ҳаракат қилса ҳам, ўғирлар маъқорлиги ва тадбиркорлиги устун эди. Шу боис ИИБ барча ходимлари оёқга тургазилди. Айниқса, ЖҚБ ходими, милиция капитани Мирзамаҳмуд Султонмаҳмудов, жамоат тартибни сақлаш бўйича катта инспектор, милиция капитани Иброҳимжон Мустафоев, участка вакиллари — милиция лейтенанти Адҳамжон Маматқулов, милиция капитани Орифжон Тўлаев, милиционер Пулатжон Пўлдошевлар тиним билмадилар. Кечалари ҳаракатдаги постлар ташкил этилди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли менинг «томирдошим», Бувайда туманидаги Беглар қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Қўчқорали Мираҳимовнинг «васлига» етишиди. Қарангки, унинг ҳамтовоқлари Қўрғонча қишлоғида яшовчи Матмурод Ғоипов ва Жийдали қишлоғида яшовчи Абдуҳамид Деҳқоновлар ҳам ҳеч

қаерда ишламас экан.

Уларнинг «ғарибгина кулба»лари тинтиб кўрилди. Бай-бай-бай, ўғил уйлантираётган ёки қиз чиқараётган онахонларнинг юрагини ўйнатиб, кўзини кулдирадиган материаллар, отлиқча ҳам топилмай қолган бежирим кийим-кечаклар шундай усталик билан яшириб қўйилган экани, асти қўйверасиз.

— Сизлар ўзаро тил бириктириб, узлуксиз равишда катта миқдорда ўғирлик содир этганларингиз учун ЎзССЖ ЖМнинг 114-моддаси 4-банди билан айблана-сизлар, — дейди терговчи.

«Томирдош»им эса менга мўлтирайди.

— Сен ҳам бир нарса денсангчи, озингга талқон солиб олганмисан наҳотки ҳамма айб бизда бўлса?

— Бўлмаса кимда?

— Аввало ўша дўконларнинг хўжайинларида. Нега ташвишоғоҳ ва бошқа шунга ўхшаган эҳтиёткорлик воситаларини қўйишмайди? Ўзингни эҳтиёт қил, қўшинингни ўғри тутма, деган гаплар ҳам бор, биламиз. Гапираверсанг гап кўп. Ўша дўконни қўриқлаётган қорувлар ҳам жуда бизбоп эканда. Нақ тошбақадек келадиган темир қулфни синдирунмизмизча ҳеч ким эшитмас-я! Ҳалдоридан отиб олганми, дейман...

Ҳалиям бизга раҳмат айтишинглар керак.

— Ие, нима учун?

— Чунки биз бу дўконларни нарх-наво ошмаган пайтида «тозаланганимиз». Ҳозирги пайтда умарганимизда нима дердинглар?

Хуллас азизлар, бу сарфанд ҳам кулиб, ҳам куйиб қайтдим.

Хўшёрбекнинг тилидан оққа кўчирувчи.

Раҳмон АЛИ.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъинланган, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ»)  
Орган коллегии МВД  
ЎзССР